

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

Жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди, 2024 йил 3 апрель куни, очиқ суд мажлисида, ушбу суд биносида, раислик этувчи, судья Э.Қаршиев, судья ёрдамчиси М.Икромовнинг котиблигида, томонлардан Ургут туман прокурорининг ўринбосари Т.Каримкулов, судланувчи З.Бегмуродова ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган адвокат А.Собировнинг иштирокида, 1-1416-2402/105-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

**Бегмуродова Зилола Тоғоевна** (Begmurodova Zilola), 1989 йил 18 февраль куни Ургут туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, уч нафар фарзандлари бор, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Юқори бешкапа МФЙда рақамсиз уйда истиқомат қилувчи, 2024 йил 6 мартда айблов ҳулосаси нусхасини олган, иш бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, 2024 йил 16 январь кунидан қамоқда сақланаётган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини ҳамда томонларнинг фикрини тинглаб, иш материалларини атрофлича тафтиш қилиб, йиғилган далилларга тегишлича юридик баҳо берган ҳолда, қуйидагиларни

## **А Н И Қ Л А Д И :**

2024 йил 16 январь куни соат тахминан 11:00ларда Ургут тумани ИИБ ТҚХ ТЧҲТБ тезкор ходимлари томонидан Ургут тумани Юқори Бешкапа маҳалласи ҳудудида ўтказилган тезкор тадбир давомида судланувчи Бегмуродова Зилола Тоғоевнадан холислар иштирокида ўтказиш мақсадида ёнида сақлаб келаётган бир дона гугурт қути ичига солинган 5 дона рангсиз целлофан бўлагига алоҳида-алоҳида солиб қадоқланган, соф оғирлиги 0,05 граммга тенг бўлган героин гиёҳвандлик моддаси ҳужжатлаштириб олинган.

Суд кимёвий экспертизасининг 2024 йил 16 январь кунидаги

53-сонли ҳулосасига кўра, З.Бегмуродовадан ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштирилиб олинган 5 дона целлофан бўлакчаларига алоҳида-алоҳида солинган оч-сарғиш рангли



сақичсимон кўринишдаги моддалари таркибида фаол гиёҳванд модда -диацетилморфин модда мавжудлиги, бу модда героин гиёҳвандлик моддаси турига киришлиги, героин гиёҳванд моддасини соф оғирлиги 0,05 граммга тенглиги кўрсатилган.

Суд мажлисида судланувчи З.Бегмуродова унга эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб, 2024 йил 15 январь куни кечқурун турмуш ўртоғи Хазаратқулов Ўктамнинг истеъмол қилишлиги учун нотаниш шахсдан 250.000 сўмга 6 дона алоҳида алоҳида ўралган героин гиёҳвандлик моддасини сотиб олганлиги, 2024 йил 16 январь куни эрталаб турмуш ўртоғи Хазратқулов Ўктам бир донасини симда қиздириб чекиб ишга кетганлиги, қолган 5 та бўлагини гугуртга солиб қўйганлиги, соат 11:00ларда ўчоқда сув иситаётганида уйининг олдидан фуқаролик кийимида одамлар ўтиб кетаётганини кўриб, кўрққанидан, ўзини ички кийими орасида бўлган гугурт қутидаги героинни олиб ўчоққа ташлаганлиги, буни кўрган шахслар келиб, ўзларини ИИБ ходими эканини таништириб, нимани ўчоққа ташлаганлигини сўраганида, уларга гугурт қутидаги героинни олиб берганлиги, ИИБ ходимлари героинни ҳужжатлаштириб олишганлиги, ушбу 5 дона рангсиз целофан бўлакларига ўралган героинни нотаниш эркак кишидан сотиб олгани, унинг юзини кўрмаганлиги ва телефон рақами ҳам йўқлиги, героинни турмуш ўртоғи учун олгани, турмуш ўртоғи героинни истеъмол қилиб ишга кетса, ишлаган пулларни олиб, тўғри уйга келиши, акс ҳолда йўқолиб қолиши, бошқа шахсларга героин сотмаганлиги, оилавий шароити оғирлиги, соғлиги ёмонлиги, фарзандлари қаровсиз қолаётганлиги, қилмишидан пушаймонлигини кўрсатиб, унга енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида судланувчи З.Бегмуродова унга эълон қилинган айбловга қисман иқрорлик билдириб, юқоридаги кўрсатувларни бериб ўтган бўлса-да, унинг суд тергови давомида аниқланган ҳолатлардаги айби қуйидаги далиллар мажмуаси билан тўлиқ тасдиқланади.

Хусусан, суд мажлисида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Н.Сафаров ҳақиқатдан ҳам Ургут туман ИИБ тезкор вакили лавозимида ишлашлиги, унинг хизмат вазифаларига жинойтларни олдини олиш ва уларни фош этиш тезкор қидирув ишлари олиб бориш, қидирувда бўлган шахсларни ушлаш киришлиги, 2024 йил 16 январь куни ҳамкасблари билан Ургут тумани Юқори бешкапа мфйда бошқа бир маълумот бўйича бориб, қишлоқ оралаб кетаётганларида З.Бегмуродова ҳовлисида кир юваётганини кўрганлиги, шу кти уни кўриб, кийимлари орасидан бир дона гугурт қутини иб, ўчоққа ташлаб юборганлиги, шубҳали туюлгани сабабли,



у ерга бориб, ушбу гугурт қутини олиб, З.Бегмуродовадан ушбу гугурт қутида нима борлигини сўраганида, ичида героин борлиги, турмуш ўртоғини истеъмол қилиши учун сақлаб келаётганлиги, уларни кўриб кўркқанидан ўчоқга ташлаганини айтганлиги, гугурт қутида 5 дона рангсиз целофан бўлагига ўралган героин гиёҳвандлик моддаси бўлганлиги, З.Бекмуродова ҳақида бирон-бир маълумот бўлмаганлиги, агарда ўзини шубҳали тутмасдан ишини қилаверганида улар ҳам ўз йўлида давом этган бўлиши, З.Бегмуродовага ушбу героинни сотган шахсни ким эканлигини аниқлашнинг имкони бўлмаганлигини кўрсатди.

Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган И.Муродкулов ҳақиқатдан ҳам 2024 йил 16 январ куни туш вақтларида Ургут тумани ИИБ биноси олдидан ўтиб кетаётганида ИИБ ходимлари уни бир ишда ҳолис сифатида иштирок этишга таклиф қилишганлиги, сўнг ИИБ ходимлари у ва яна бир нафар ҳолис иштирокида судланувчи Бегмуродова Зилола томонидан ўз ёнида сақлаб келаётган бир дона гугурт қути ичига 5 дона алоҳида целофан бўлагига ўралган моддаларни ҳужжатлаштириб олишганлиги, ИИБ ходимлари саволига З.Бегмуродова ушбу моддалар героин гиёҳвандлик моддаси экани, ўзига нотаниш шахсдан сотиб олганини айтганлиги, ИИБ ходимлари томонидан З.Бегмуродовага нисбатан ноқонуний ҳаракатлар содир этилмаганлигини кўрсатди.

Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Ў.Хазраткулов ҳақиқатдан ҳам новвойхонада кунлик 150-200 минг сўмга ишлаб келиши, З.Бегмуродова билан 2009 йил турмуш қурганлиги, 3 та боласи борлиги, 5-6 ойдан буён героинни чекишга ўрганиб қолганлиги, кунига бир марта эрталаб героини қизиган симга текизиб, тутатиб истеъмол қилмаса, куни билан ишлай олмаслиги, уйига ҳам пул олиб келмаслиги, 2024 йил

16 январ куни турмуш ўртоғи Бегмуродова Зилола бир чек ўралган героинни унга бериб, уйда чекишни, кўчада гиёҳвандлик моддаси излаб юрмасликни айтганлиги, у героинни чекиб ишга кетганлиги, тушга яқин ўғли телефон қилиб, онасини ИИБ ходимлари олиб кетишганини айтганлиги, турмуш ўртоғи унга героинни қаердан топиб келганлиги, кимдан сотиб олганлигини билмаслиги, буни сўрамаганлиги ҳам, унга берганида индамасдан чекиб ишга кетаверганлиги, оилавий шароитини инобатга олиб, турмуш ўртоғига енгиллик беришни сўради.

Шунингдек, судланувчи З.Бегмуродованинг айби: билдирги, шахсий тинтув қилиш ва далилий ашёни олиш ҳақидаги баённома, тушунтириш хатлари, экспертиза



хулосаси, нарсани далилий ашё деб топиш тўғрисидаги қарор ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибида текширилган ва баҳоланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланади.

Суд, судланувчи 3.Бегмуродованинг жиноий ҳаракатларининг юридик квалификациясини муҳокама этиб, тергов органи томонидан унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисмида назарда тутилган озгинадан кўпроқ миқдордаги гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда ўтказишда ифодаланган жиноят белгиларига кўра тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Суд, адвокат А.Собировнинг судланувчи 3.Бегмуродованинг ҳаракатлари ЖК 274-моддаси 1-қисми билан малакаланиши лозимлиги ҳақилдаги важларини муҳокама қилиб, суд терговида аниқланган ҳолатга кўра судланувчи Х.Бегмуродова томонидан озгинадан кўпроқ миқдордаги героин гиёҳвандлик воситасини сақлаб келиб, 2024 йил 16 январь куни турмуш ўртоғи Ў.Хазраткуловга истеъмол қилиши учун ўтказганлиги гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадида сақлаб келаётганлигини тасдиқлайди.

Суд келтирилган асосларга кўра судланувчи 3.Бегмуродованинг ҳаракатларини ЖК 274-моддаси 1-қисми билан малакалаш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди ва шу ҳақда келтирилган илтимосномани рад қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 03.02.2006 йил кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Қайд этилган Олий суд Пленуми Қарорининг 37-бандида “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий майтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган



қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан, моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.). белгилаб қўйилган.

Суд, юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қарорининг раҳбарий кўрсатмаларини эътиборга олиб, суд, судланувчи З.Бегмуродовага жазо тури ва меъёрини белгилашда, айбига қисман иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, шахсини эътиборга олиш билан бирга, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилган ҳолда, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, З.Бегмуродованинг соғлиги яхши эмаслиги тўғрисидаги тиббий маълумотномани, ундан олинган гиёҳвандлик воситасининг миқдорини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкцияси доирасида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам муддатидан ҳам камроғини тайинлашликни лозим топади.

Суд, амбулатор наркология экспертизасининг 13.02.2024 йилдаги 89-сонли далолатномасига З.Бегмуродова гиёҳвандликка йўлиқмаганлиги ва мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги кўрсатилганлиги сабабли, унга нисбатан гиёҳвандликдан мажбурий даволаниш чорасини қўлламасликни, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан ашёвий далил тариқасида олинган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ Самарқанд вилоят бошқармаси Хўжалик бўлимида сақланаётган жами 0,03 грамм “героин” гиёҳвандлик воситасини йўқ қилишни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига риоя қилган ҳолда, суд,

### **Ҳ У К М Қ И Л А Д И :**

**Бегмуродова Зилола Тоғоевна** (Begmurodova Zilola) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб



топилсин ва шу моддага асосан унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташлик белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 16 январь кунидан бошлаб ҳисоблансин. Эҳтиёт чораси қамоқда сақлаш – аслича қолдирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан далилий ашё сифатида олинган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ Самарқанд вилоят бошқармаси МТТ бўлимида сақланаётган 0,03 грамм “героин” гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинсин.

Тергов-суриштирув ҳаракатлар акс этган 2 дона диск иш хужжатларида қолдирилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач, апелляция тартибида кўрилмаган тақдирда, кассация тартибида шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақлидир.

**Раислик қилувчи:**

**(имзо)**

**Э.Қаршиев**

*Нусхаси аслига тўғри - судья:*

**Маъсул судья: Қаршиев Эргаш Мустапакулович**

